

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 13 апрель куни Сирдарё вилоятида бўлди.



Мустақиллик йилларида вилоят ҳар томонлама ривожланди, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги ошди. Худудда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Президентимиз ўтган йил 17 май куни вилоятга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни билан танишган эди. Ўтган вақт мобайнида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури доирасида 2017 йил якунига қўра, умумий қиймати 507 миллиард 200 миллион сўм инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобидан 1 минг 108 лойиҳа доирасида янги қувватлар ишга туширилиб, 6 минг 200 иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари бу галги ташрифи давомида вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, берилган топшириқлар ижроси билан танишди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Бек кластер” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона томонидан ташкил этилган замонавий гидрорепоник иссиқхонада бўлди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Президентимизнинг Сирдарё вилоятга ўтган йилги ташрифи чоғида “Бек кластер” корхонасини ташкил этиш лойиҳаси тақдим этилган эди. Ушбу лойиҳа маъқулланиб, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилинди. Қисқа вақтда корхона ташкил этилиб, унга вилоятдан 18 минг гектар ер ажратилди. Ушбу ерларда пахта, галла ва бошқа донли экинлар парваришланмоқда. Замонавий техникалар харид қилинган.

Мазкур кўп тармоқли кластер томонидан Мирзаобод туманида 100 гектар майдонда Жанубий Корея технологияси асосида замонавий гидрорепоник иссиқхона барпо қилинаётир. Бу ерда йилга 50 миллион долларлик маҳсулот етиштириш ва уни 100 фоиз экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда “Бек кластер” қўшма

корхонаси қошида ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва текшириш илмий-амалий маркази фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу ерда тўпроқ таҳлили, ўсимликлар биотехнологияси ва химияси, селекция ва пахта уруқчилиги, полиз ва сабзавот уруқчилиги, ўсимликлар генетикаси лабораториялари очилади. Асосий мақсад қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари иссиқхона конструкциялари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, кластер қошида ташкил этиладиган илмий-амалий марказ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Қишлоқ хўжалигига илмий ёндашмай қўйганимиз сабабли, айрим экинлардан қутилган ҳосил ололмаямиз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу жиҳатдан “Бек кластер” корхонаси қошида иш бошлайдиган илмий-амалий марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаймиз. Бундай марказларни бошқа кластерларда ҳам ташкил этиш керак. Биз нафақат сифатли маҳсулот етиштириш, унинг харидорини топишни ҳам ўйлашимиз лозим. Бугунги замон шиддати шуни талаб қилади.

Президентимиз қишлоқ хўжалиги техникаларини ҳам кўздан кечирди. “Social web solution” корхонаси мутахассислари томонидан яратилган АКТ дастурига алоҳида эътибор қаратди. Бу дастур электрон савдонни кенгайтириш, интернет орқали ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида аҳолига қўллаб-қувватликлар яратади. Дастур ташаббускорларини қўллаб-қувватлаш, ундан фойдаланишни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шу ерда вилоятда балиқчилик, чорвачилик, илақчилик ва қўнчиликни ривожлантириш, 2018-2019 йилларга мўлжалланган ирригация ва мелиорация давлат дастури, шולי етиштириш, лалми ва томорқа ерлардан самарали фойдаланиш, ирригация-мелиорация

тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишга қаратилган лойиҳалар тақдими тои ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар ва хорижлик инвесторлар билан мулоқот қилди, лойиҳалар самарадорлигини ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шундан сўнг М-34 Тошкент — Душанбе автомобиль йўлининг 117 — 146 километрларидаги Тошкент кўчасида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ушбу йўлнинг икки километрида намуна сифатида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Махсус пиёдалар йўлакчаси, велосипедда ҳаракатланиш учун алоҳида йўлак ташкил этилган ҳамда замонавий энергия тежамкор тунги ёриткичлар ўрнатилиб, кўча бўйлаб манзарали дарахт кўчатлари экилган.

Тошкент кўчаси бўйлаб вокзал, автобус бекатлари, масжид, сайёҳлик маркази, маданият ва маийий хизмат кўрсатиш маркази, бозор, диагностика маркази каби ижтимоий соҳа объектлари барпо этилади. Мазкур кўча 2018-2019 йилларда қурилиб, фойдаланишга топширилади.

— Йўл бўйидаги инфратузилма объектлари қурилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Уларнинг бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши, умумий концепция касб этиши мақсадга мувофиқ, — деди Президент. — Йўл қурилишида шовмашоарлик қилиш керак эмас. Бу борада сифат асосий кўрсаткич бўлмоғи лозим. Йўл бўйидаги темир тўсиқлар йўловчиларга асло ҳалақат бермаслиги керак.

Лойиҳа тўлиқ ишга туширилгач, пиёдалар ва ҳайдовчиларга қўлай шарт-шароитлар яратилади, шунингдек, келгусида замонавий талабларга асосан Тошкент кўчаси мисолида вилоятнинг барча кўчалари қайта таъмирланади.

Президентимиз Гулистон шаҳридаги сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қурилган ёпиқ сузиш ҳавзасини бориб кўрди.

Спорт масканидаги 25х11 ҳамда 6х12,5 ўлчамдаги сузиш ҳавзалари, бандликдан сувга сакраш спорт тури

учун алоҳида зал қурилган бўлиб, ховузнинг ҳажми 12х10 метр ва ёш спортчилар сувга сакраши учун уларга мослаб 1, 3 ва 5 метр бандликда трамплинлар ўрнатилган. Томошабинлар учун 250 ўриндик мавжуд. Қунига 250 кишини қабул қилиш қувватига эга мажмуа барча жиҳоз билан таъминланган, тиббиёт хоналари, тренажёр, ошхона ва бошқа хоналарда спортчилар мунтазам шуғулланиши мумкин. Бундан ташқари, сувни тозалаш, иситиш ускуналари ҳам ўрнатилган. Айни пайтда бу ерда сузиш бўйича ташкил этилган 15 ўқув-машғулот гуруҳига 176 ёш жалб қилинган.

Ёпиқ сузиш ҳавзасининг ҳаво айланиш тизимини яхшилаш, шуғулланувчилар учун янада қўлай шароит яратиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳрида ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Билимдонлар масканида бўлди.

Шаҳарнинг Ислон Каримов кўчасидаги мавжуд хиёбон қайта реконструкция қилиниб, ушбу янги маскан иш бошлади. Барча шароит яратилган мажмуада китоб дўкони, гул дўкони ҳамда китобхоналар учун махсус айвонлар барпо этилган.

Президентимиз мазкур айвонда вилоят ижодкор зиёлилари, ижтимоий соҳа, ёшлар вакиллари билан учрашди. Унда мамлакатимиз ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳусусида сўз юритилди.

— Оддий одамларнинг розилигига эришиш учун ҳали жуда кўп ишлар қилишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам янги корхоналар қуришимиз зарур. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини оширишда муҳим асос бўлади.

Учрашувда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ижодкорларини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг билим ва малакасини ошириш йўлида қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Билимдонлар маскани вилоят ёшларини ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жисмонан ва маънан баркамол ўлгайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё туманидаги “Сирдарё мега люкс” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида қадқолаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Таклиф этилаётган лойиҳалар, истикболдаги режалар билан қизикди.

2012 йили ташкил этилган қўшма корхонада полипропилен грануласидан қимё, қурилиш, тўқимачилик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноти, хом ашё ва материаллар экспортини билан шуғулланувчи савдо компаниялари учун турли ўлчамдаги қадқолаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда.

Дастлаб 75 ишчи билан фаолият бошлаган ва атиги бир турдаги қоплар ишлаб чиқарилган корхонада айни пайтда маҳсулот тури 17 тага, ишчи-хизматчилар сони 650 кишига етди. Маҳсулотларнинг 35 — 40 фоизи Россия, Беларусь, Украина, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Болтиқбўйи давлатларига экспорт қилинмоқда.

Корхонада 2018 — 2023 йилларда қиймати 100 миллион АҚШ доллари бўлган еттига истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Полипропилендан қадқолаш маҳсулотлари, экспорт билан шуғулланувчи компаниялар учун юмшоқ контейнерлар, қадқолаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун плёнкалар, четдан импорт қилинаётган ёрдамчи хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 2 минг

500 киши иш билан таъминланади. Қувватлар тўлиқ иш бошлагач, йилига 125 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, 80 миллион долларлик импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мазкур маҳсулотларга ҳозирнинг ўзида МДХ, Европа иттифоқи, Лотин Америкаси мамлакатларидан таклифлар тушмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Қайд этилишича, ишга тушириладиган янги тармоқларга Россия, АҚШ, Германия, Италия, Австрия каби давлатлардаги етакчи компанияларнинг замонавий технологик ускуналари ўрнатилади. Ушбу қувватлар корхона ёнида барпо этилаётган технопаркда жойлаштирилади.

Президентимиз янги маҳсулотларнинг харидорғирлиги, экспорт географияси билан қизикди. Ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали ташқи бозорда Ўзбекистон маҳсулотларининг мавқеини ошириш бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар берди.

“Сирдарё мега люкс” қўшма корхонаси ҳудудида вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноят маҳсулотлари кўргазмаси ва саноятни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдими тои ўтказилди.

Вилоятнинг географик жойлашуви ҳудуднинг саноят, логистика имкониятларини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашда катта қўлайлик яратади. Вилоятда хорижий компаниялар иштирокида 90 корхона фаолият юритмоқда. Улар томонидан замонавий логистика марказлари ташкил этиш, Led лампочкалар, лифт ва эскалаторлар, қурилиш учун металл конструкциялар ишлаб чиқариш, чарм, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадқолаш, фармацевтика соҳаларида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2018-2019 йилларда вилоятга жалб қилинадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга қадқолаш қимё, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, енгил саноят ва бошқа тармоқларда қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади. Ушбу йўналишдаги 203 лойиҳа амалга оширилиши натижасида 14,6 минг иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари “Идеал аср” корхонасининг босим остида ишлайдиган ускуна ва махсус техникаларини кўздан кечирди. Мазкур сигимлар суюлтирилган газни сақлаш ва ташинишга мўлжалланган бўлиб, чекка ҳудудлар аҳолисини табиий газ билан таъминлашда катта қўлайлик яратади.

Президентимиз мазкур сигимларни кўп қаватли уйлар, савдо марказлари қуриш лойиҳаларига киритиш зарурлигини, бу катта иқтисодий тежамкорлик келтирилиши таъкидлади.

Гулистон шаҳрида жойлашган “Modern lift systems” МЧЖда энг замонавий ва энергия тежамкор технологик ускуналар билан жиҳозланган лифт ва эскалатор ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа, аввало, вилоятларда қурилаётган кўп қаватли уйларни лифт билан таъминлаш имконини беради. Илгари 500 дона лифт ва 300 дона эскалатор ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулотларининг бир қисми ички бозор талабларини қондирса, 35 фоизи экспортга йўналтирилади.

“Янгиер” кичик саноят зонаси ҳудудида “Баҳромжон Нур савдо” хусусий корхонаси 2010 йили ташкил этилган. Асосан, лок-бўёқ ва қуруқ сувовқ материалларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилдан корхонада 30 турдаги қроссовкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда корхонада 163 ишчи меҳнат қилмоқда.

Шу пайтдаги қроссовкалар, асосан, четдан келтириларди. “Баҳромжон Нур савдо” хусусий корхонасининг маҳсулотлари импорт ўрнини қоплаш ва экспорт қилиш имконини беради.

— Мен иккита ишчи ўрни яратган тадбиркорни елкамда кўтаришга тайёрман, деган эдим. Мана шундай корхоналарни ташкил этиб, 100 — 200 ишчи ўрни яратаётган юртдошларимиз мамлакатимизга катта фойда келтиради, ички бозоримизни эгаллайди. Ушбу лойиҳани кенгайтириш, маҳсулотга кетаётган материалларни тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқаришга эришиш керак. Бунинг учун тадбиркорга қўмак бериш, зарур маблағ билан таъминлаш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз “Crocus Uz composite” корхонасида маҳаллий хом ашё, яъни шиша пахта, кварц қуми ва эфир мойидан ишлаб чиқарилаётган лоток ва қувурларнинг афзаллигига алоҳида эътибор қаратди. Ушбу маҳсулотлар бетонга қараганда анча чидамли, камҳарж ва узоқ муддат фойдаланиши мумкин.

— Бундай маҳсулотлар нафақат Сирдарё вилояти, балки бутун мамлакатимиз учун жуда фойдали, — деди давлатимиз раҳбари. — Сув исрофгарчилигини камайтириш, қишлоқ хўжалигида даромадни оширишда бундай инновацион ёндашувларнинг аҳамияти катта. Ушбу маҳсулотларни фермер ва деҳқонларга кенг тарғиб этиш керак.

Боёвут туманида “Maker International Uzbekistan” корхонаси томонидан гулжавахар (бархатец) гули етиштириш ҳисобига табиий дори экстрактини олиш йўлга қўйилади. Бунинг учун 1000 гектар ер ажратили режалаштирилган. Ушбу майдонда 30 минг тонна гул етиштириш, ундан 300 тонна экстракт олиш мумкин. Гул пояси чорва учун озуқа бўлади.

Лойиҳа ишга туширилиши натижасида йилга 10 миллион долларлик дори воситалари ишлаб чиқарилади, 200 киши доимий, 1000 дан зиёд кишилар мавсумий иш билан таъминланади. Лойиҳанинг афзаллиги, табиий дори экстрактининг бозори бор. Хитойдан ташқари АҚШ, Испания, Мексика ва Европа давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган. Бу юртимизга валюта тушумини кўпайтиришга хизмат қилади.

Гулижавҳарнинг бир гектарида 5 минг долларча фойда олиш мумкин. Ушбу ўсимликдан олинган экстракт иммун тизимини мустаҳкамлайди, қон босимини пасайтирувчи хусусиятга эга. Бундан ташқари, вирусларга қарши курашувчан бўлгани боис жуда ҳам фойдали. Корхона ташаббускорлари яримтайёр маҳсулот билан чекланиб қолмай, келгусида тайёр дори воситалари ишлаб чиқаришни мақсад қилган.

Президентимиз гулижавҳар ўсимлиги экиладиган майдонларни 2 минг гектарга кенгайтириш, келгуси йилларда бошқа вилоятлар ҳисобига 5 минг гектарга етказиш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш бўйича топшириқлар берди.

Тақдирот чоғида давлатимиз раҳбарига Сирдарё вилоятидаги “Peng Sheng” мажмуаси таркибидаги “АВР” қўшма корхонасида сув жиҳозлари, жездан дастаклар, фитинглар, катта ҳажмдаги керамик плиталар, эшик қулфлари ишлаб чиқариш каби қатор янги лойиҳалар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этиш, маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Шу кунга Сайхунбод туманидаги 8-болалар мусика ва санъат мактабида вилоят фаоллари иштирокида йилгилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йилгилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларидаги ўзгаришлар, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи якунига етди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширишни қўзғовчи адлия органлари ва муассасаларига муҳим роль ажратилмоқда.

Сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар давлат

ҳоқимияти ва бошқаруви органлари тизимида, айниқса, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, уларнинг юридик хизматларини мувофиқлаштириш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари бўйича адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулиятини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, адлия органлари ва муассасалари фаолиятида ҳуқуқий ислохотларнинг юқори самарадорлик даражасига

эришишга тўққинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, адлия органларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг мавжуд эмаслиги бевосита жойлардаги ҳуқуқий муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эътиёжлари билан бoғлиқ ҳолда таъминланиш даражасининг чуқур ўрганилишига, жамиятдаги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга тўққинлик қилмоқда;

иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва унинг изчиллиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан ва нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик юзасидан жойларда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилмаган;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

учинчидан, адлия органларига фаолият йўналишига мувофиқ бўлмаган ва бир-бирини такрорловчи, айниқса, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасидаги вазифаларнинг юклатилганлиги давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш соҳасида уларга юклатилган биринчи даражадаги вазифаларни бажариш учун мавжуд куч ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини бермайтди;

тўртинчидан, амалга оширилаётган ислохотлар, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича жойларда адлия органларининг иши лозим даражада ташкиллаштирилмаган, бунинг натижасида эса аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти, айниқса, қишлоқ жойларда қониқарсиз даражада қолмоқда;

бешинчидан, юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб қолмоқда, давлат ва ҳўжадик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас;

олтинчидан, адлия органлари ва муассасалари ходимларини ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг паст даражада эканлиги мазкур соҳага юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, барқарор кадрлар захирасини шакллантириш имконини бермайти ҳамда ходимларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятига салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, адлия органлари ва муассасалари фаолиятига янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларни замонавий воситалар ва усқуналар билан жиҳозлаш қониқарсиз ҳолатда қолмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш максасида:

1. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг устувор йўналишлари деб қўйидагилар:

биринчи, адлия органларини “Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳўрмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир” деган концептуал гоғани ҳаётга таъбиқ этишга қаратилган ягона давлат ҳуқуқий сиёсати амалга оширилишини таъминлайдиган профессионал хизматга айлантириш;

иккинчи, адлия органлари фаолиятига, устувор равишда, танқидий таҳлил ва ҳуқуқий муаммоларни, аввало, бевосита жойларда ишларни самарали ташкил этиш йўли билан ҳал этишга асосланган, сифат жиҳатидан янги механизмларни жорий этиш;

учинчи, давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ихросини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш, танқидий таҳлил асосида изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчи, ҳуқуқий тарғибот ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишнинг замонавий ва таъсирчан услубларини

жорий қилиш, уларга қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчи, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларининг сифатини комплекс ва танқидий таҳлил қилишда адлия органларининг ролини ошириш, бу соҳаларда қонунчиликни янада тақомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

олтинчи, ўз фаолиятлари юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш йўли билан адлия органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот бериш тартибин жорий этиш, уларнинг аҳолини ташвишга солувчи муаммоларга юзакли муносабатда бўлиши ҳолатлариға чек қўйиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаш;

еттинчи, юридик кадрларни, айниқса, талаб қилинаётган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги мутахассисларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, юридик кадрларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тизимли равишда юбориш;

саққизинчи, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини, халқаро жамоатчилик ва хорижий инвесторларни мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳақида хабардор қилиш механизмларини ташкил этиш;

тўққизинчи, адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларни ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини, шу жумладан, уларни хизмат уйлари билан таъминлашни жорий этиш;

ўнинчи, адлия органлари ва муассасаларининг барча тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган касб-ҳунар коллежлари юридик хизматларининг штат бирликлари ҳисобидан, “республика — вилоят — туман (шаҳар)” уч поғонали принципи бўйича вертикал бошқарувни жорий этган ҳолда, туманлар (шаҳарлар)да адлия бўлимлари ташкил этилсин.

Белгилансинки, касб-ҳунар коллежларининг тугатилаётган юридик хизматлари функциялари тегишли туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан амалга оширилади.

3. Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар:

ҳокимларга ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ихросини ташкил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини туманлар

тузилмаларидаги ижрочиларга етказиш, “республика — вилоят — туман — маҳалла” принципи бўйича ҳуқуқий тарғибот ва аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш борасида, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуктаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тугатилсин.

5. 2018 йил 1 июлдан бошлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда ФХДё деб юритилади) органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, “ФХДёнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини юритиш, ФХДёнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФХДё органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари тасарруфига ўтказилсин.

6. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра 2018 йилдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ахборот тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, ҳудудий адлия бошқармалари бошликлари ҳар ярим йил якуни бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига жойларда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади;

туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошликлари ҳар чоракда тегишлича туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларига туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига:

давлат органлари ва ташкилотларига, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига белгиланган тартибда халқаро арбитражлар ва суд ишлари

Фаоллик, ташаббускорлик ва масъулият

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун юртдошларимизнинг мамлакатда кечаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини оширади.

Жамоатчилик назорати демократия ва халқ ҳокимиятичи-лигининг муҳим институти ҳисобланиб, у давлат органла-ри фаолияти устидан назоратни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

У фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ман-фаатлари муҳофаза этилишини ҳамда қонун ҳужжатлари талаб-ларига давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан оғишмай риоя қили-нишни, улар олдида турган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қаратил-гани билан аҳамиятлидир.

Шу боис кучли фуқаролик жамияти шакллантирилаётган юртимизда жамоатчилик назорати тақомиллаштириш, уни амал-га оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар босқич-ма-босқич ўтказилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституциямизга 2014 йилда киритилган ўзгариш ва қўшим-чаларга мувофиқ, давлат хоки-мияти ҳамда бошқаруви орган-лари томонидан қонун ҳужжат-лари ихроси устидан жамоатчи-лик назоратини амалга ошириш-нинг конституциявий асоси шакллантирилди. Унга мувофиқ, фуқароларнинг жамият ва дав-лат ишларини бошқаришдаги иштироки давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш йўли билан ҳам рўёбга чиқарилади. Эътиборли жиҳати, жамоатчилик назорати институтига конститу-циявий-ҳуқуқий мақомнинг бери-лиши юртимизда мазкур нazo-рат институтини сифат жиҳати-дан янги босқичга олиб чиқди.

Амалдаги қатор қонун ва қонуности ҳужжатларида жома-от назорати ҳақида қатор нор-малар мавжуд бўлса-да, ушбу институтнинг моҳияти, турлари, уни амалга оширишнинг усул ҳамда шакллари, умуман олган-да, назорат қилиш механизмлари нини назарда тутувчи махсус қоидалар, ягона ҳужжат мавжуд эмас эди. Бу эса қонунлардаги

масалалари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар юбориш;

адлия органлари ва муассасалари, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, халқаро арбитражлар ва суд ишлари бўйича ўқиш ва малакаларини ошириш учун ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларига юбориш ҳуқуқи берилсин.

8. Тошкент давлат юридик университетининг Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази негизида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган, бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 25 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилсин.

Қўйидагилар Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг инновацион услублари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиш амалиётини таҳлил қилиш, уни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш;

етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафталик муддатда Ўзбекистон Републикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Републикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин; бир ойлик муддатда Ўзбекистон Републикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ойлик муддатда туман (шаҳар) ҳокимликларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ойлик муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Р. Иноятлов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 апрель



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажли-сида мамлакатимизда олиб бoриладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лoйиҳалари кўриб чиқилди.

Ривожланишнинг янги босқи-чини ва 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат хизматларини бевосита қўйи бўғинларда кўрсатиш, маҳаллий хокимият идоралари учун молия-вий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарурати, мавжуд тартиб-таомилларни оптимал-лаштириш ва соддалаштириш, бошқарувнинг инновацион шакл-ларини жорий этиш лoзимлиги алоҳида таъкидланган эди.

“Рекрутинг фаолияти тўғриси-да”ги қонун лoйиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лoйиҳаси Ўзбеки-стоннинг қонунчилик амалиётида биринчи марта, Халқаро меҳнат ташкилотининг Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги Конвен-цияси халқаро стандартларини ва рекрутинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг хорижий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, 2017 — 2021 йил-ларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усту-вор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қайд этиб ўтилганидек, қонун лoйиҳасида рекрутинг агентликла-ри хизматларининг асосий турла-ри ифодаланган бўлиб, иш қиди-раётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мақбул иш танлаш, иш бeрyвчилар учун кадрлар танлаш, чет элда иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш, меҳнат бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш шулар жумласига қира-ди. Шунингдек, рекрутинг хизмат-лари кўрсатиш шартномаларига

доир мажбурий талабларни белгиловчи нормалар мавжуд, рекрутинг фаолияти соҳасида ваколатли давлат органи ҳисоб-ланадиган Ўзбекистон Республи-каси Бандлик ва меҳнат муноса-батлари вазирлигининг мақоми ҳамда вазифалари белгиланган.

Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон аҳолисини ҳам мамла-кат қорхоналарида, ҳам чет элда иш билан таъминлаш имкониятла-рини жиддий равишда қўпайтириш ва кенгайтириш, давлат хизматла-ри ва ҳуосий сектор томонидан бандликка қўмаклашиш меха-низмларини аниқ тартибга солиш имконини бeриш иш депутатлар то-монидан қайд этилди. Шу билан бирга, депутатлар таъкидлаганла-ридек, иш билан таъминлашга доир хизматлар кўрсатиш тарти-би ва шарт-шароитларини белгилаш, шу жумладан, рекрутинг агентли-кларининг, қорхоналар ҳамда иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш би-ринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Сўнгра Ўзбекистон Респуб-ликаси Адлия вазирлиги томони-дан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чoра-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ихро-сини таъминлаш максасида иш-лаб чиқилган “Ўзбекистон Респу-бликасининг айрим қонун ҳужжат-ларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лoйиҳаси муҳокама қилинди.

Фармоннинг 4-бандига асосан, 2018 йил 1 январдан Тадбиркор-лик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизмат-

лари кўрсатиш ягона марказлари Давлат хизматлари марказларига айлантирилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Респуб-ликаси қонунларининг бир қатор моддаларига тегишли ўзгариш-лар киритилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритил-моқда. Чунотини, Кодекс давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни назарда ту-тувчи модда билан тўлдирилмоқ-да. Ушбу модда давлат органла-ри ва бошқа ташкилотлар томи-нидан давлат хизматлари кўрс-атишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби бузилган, шу жумладан, электрон ҳужжатни, сўровни, аризация номидан муро-жаатни қабул қилиш рад этилган тақдирда, мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигир-ма бараваригача миқдорда жари-ма солишга асос бўлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республика-сининг ривожланиш давлат дас-турларини шакллантириш ва мо-лиялаштиришнинг янги тартибин жорий этиш тўғрисида”ги қарори-дан келиб чиққан ҳолда “Инвести-ция фаолияти тўғрисида”ги Қонунга, Ўзбекистон Республика-сининг Солиқ, Бюджет, Божхона кодексларига ўзгариш ва қўшим-чалар киритишни назарда тутувчи қонун лoйиҳаси кўриб чиқилди.

Депутатлар мазкур қонун қабул қилиниши билан амалдаги қонун ҳужжатларининг мамлакатнинг ривожланиш давлат дастурлари-ни шакллантириш ва молиялаш-тиришнинг янги тартибига мувофиқлиги таъминланишини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисда парламент Қонунчи-лик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

24 — 26 апрель кунлари пойтахтимиз Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳамкор ташкилотлар кўмагида “Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзуида халқаро конференция ўтказилади.

Ўзбекистонда кечаётган бугунги ўзгаришлар мамлакат янги тарихини бошлаб берди, десак аини ҳақиқатни айтган бўламиз. Зотан, юртимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда юз бераётган улкан янгиланишлар давлатимизнинг дунё ҳамжамияти билан тоз маънода интеграциялашувини таъминламоқда. Қисқача айтганда, бугун юртимиз дунёни ўзига чорляпти, ёпиқликдан очик прагматик сиёсат сари юзланмоқда. Бундай тутум, шубҳасиз, бугунгача мавжуд бўлган тартиб-қоидаларни ислоҳ қилиш ва уларни дунё андозаларига уйғунлаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳамкор ташкилотлар иштирокида “Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзуидаги халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси моҳиятида ҳам айнан шу муддао мужассамдир.

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ХОС ТАЖРИБАСИ

Биз нималарни мақсад қилдик? Энг аввало, Ҳаракатлар стратегияси доирасида юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган мутлақо янгича ижтимоий сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини дунё жамоатчилигига етказиш, қолаверса, давлат органлари, касаба уюшмалари, Савдо-саноат палатаси ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ўзаро ҳамжихатлиги ва шериклиги истиқболларини белгилаб олишни режалаштираяпмиз.

Мазкур анжуман ижтимоий-меҳнат масалаларини ҳал этишда бевосита қатнашаётган иштирокчилар таклиф ва мулоҳазалари ҳамда тажрибаларини конструктив муҳокама қилиш, ўзаро фикр алмашиш учун халқаро платформа вази фасини ўтайди. Бу формат шак-шубҳасиз, Ўзбекистоннинг очиклигини, фаол, амалий ҳамкорликка, халқаро ва чет эл тажрибасини ўрганиш асосида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни ҳал этишга тайёблигини ҳам намойиш қилади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, мазкур гоя Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро Касаба уюшмалари конфедерацияси, Умумевропа касаба уюшмалари минтақавий кенгаши, Халқаро иш берувчилар ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади. Ва унинг ишида ушбу ташкилотлар мутасаддилари, шунингдек, ижтимоий тараққиёт, иқтисодиёт ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги миллий ва чет эллик экспертлар қатнашиши қутилаётир.

Форум ўз дастурида мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар, таълим, ижтимоий инфратузилма, арзон уй-жойлар, иш жойларидаги меҳнат шaroитлари, давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчи ҳамкорлиги борасида аниқ тасаввурга эга бўлиши учун иштирокчиларнинг бевосита жойларга сафар уюштириши ҳам кўзда тутилган. Қолаверса, анжуманда ялпи мажлислардан ташқари, аҳолининг реал даромади ва бандлигини изчил амалга ошириш орқали фаол ижтимоий ҳимоя, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлигини муҳофаза қилиш йўналишидаги давлат тизimini такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳоли яшаш шaroитлари яхшиланишини таъминловчи арзон уй-жойлар қурилиши, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни рўёбга чиқариш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш истиқболлари ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби йўналишлар бўйича мунозаралар ҳам режалаштирилган.

Дастурда, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти Бюроси (ACTRAV) шафе-лигида Марказий Осиё давлатлари касаба уюшмалари етакчилари учрашуви ҳам ўтказилади.

Келинг, шу ўринда учинчи минг йилликка келиб глобал дунёда касаба уюшмаларининг оддий инсонлар ҳаётидаги ўрни, унинг мақсад ҳамда вазифалари айнан нималарда устувор даражада намоён бўлаётганига эътибор қаратайлик.

Энг аввало, бу — тўлиқ ва махсусдор бандлигини таъминлаш, меҳнатга муносиб ҳақ тўланишига, ижтимоий ҳимоя ва мулоқотга эришиш, қашоқчиликни йўқотиш, инсон ҳуқуқлари ҳамда касаба уюшмалари эркинлигини қафолатлаш, меҳнат муносабатларидаги ҳар қандай камситишларни бартараф этиш, аёллар ва эркаклар тенглигини таъминлаш, болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга бутунлай чек қўйишга эришиш, атроф-муҳитни ҳимоялаш каби вазифалардан иборатдир.

Афсуски, бугун глобал меҳнат бозори бу мақсадларга эришишда янгидан-янги тўсиқларга учрамоқда ва таъ-

бир жоиз бўлса, улар ижтимоий меҳнат соҳасининг замонавий қурилмаси пойдеворини нуратмоқда.

Энг асосий муаммолар нималарда кўринади? Биринчи муаммо норасмий бандлик ўсиши, норасмий секторнинг ривожланиши ва кенгайиши бўлиб, у солиқ тўловларидан тушадиган даромадлар қамайишига, расмий сектордаги рақобатдошлик пасайишига, энг ёмони, ижтимоий дастурларнинг қисқартирилиши ва етарлича молиялаштирилмаслигига олиб келмоқда.

Иккинчи муаммо масофавий ва ижара тариқасидаги меҳнат, аутсорсинг ҳамда аутстаффинг каби меҳнат моҳиятини тубдан янгилловчи форматнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу эса ўз-ўзидан, меҳнат муносабатлари соҳасининг шакл-шамойилини кескин ўзгариштириб, ижтимоий ҳимояни жуда паст даражага олиб келувчи ностандарт бандлик шаклларида намоён бўлмоқда.

Учинчи глобал муаммо рақамли технологияларнинг ижтимоий ҳаётда тобора фаол қўлланилаётганига бориб тақалади. Эътибор беринг, ахборот-коммуникация технологияларининг тезкор ривожланиши ҳисобига яқин 25 йилда сайёрамиз миқёсида иш жойларининг 47 фоизга қисқариши тахмин қилинмоқда. Таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, яқин 15 йилдан сўнг, дейлик, бухгалтерия, соғлиқни сақлаш, адвокатура, олий таълим ва халқ таълими соҳаларидаги мавжуд мансабдор хизматчилар ўрниларига деярли эҳтиёж қолмайди... Демакки, бугунги долғали замон бизнинг



лик пенсиясини олади. Бу эса қўллаб-даватларда ҳам жамғариб бориладиган, ҳам суғуртали пенсия таъминоти етарлича ривожланмаганлигини кўрсатади. Яна бир огир муаммо — тараққий топган йигирма биринчи асрда ҳам, афсуски, инсонларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқи дунёнинг кўпгина минтақаларида ҳали реал ҳақиқатга айланмади. Бу, айниқса, аҳолининг 56 фоизи мазкур имтиёздан маҳрум бўлган қишлоқ жойларига тааллуқлидир.

Демак, бу борада муҳокама қилиниши лозим бўлган мавзулар етарли.

Яқинда ХМТ жаҳон ҳамжамиятига бугунгача амалиётда бўлмаган — ху-

сусий беғараз ёрдамни энг кам даражадаги ижтимоий ҳимояни таъминлаш учун йўналтириш ҳақидаги қақириқ билан мурожаат қилди. Ва, бу билан, у ўз тажрибасида жисмоний шахс корхона ва жамғармаларнинг беғараз ёрдамларидан ижтимоий ҳимоя мақсадида фойдаланиш мумкинлигини эътироф этди.

Ўзбекистонда бу борада етарли тажриба тўпланган, ижтимоий ҳимоя соҳасида айнан давлат ва хусусий шерикчилик алоқалари йўлга қўйилган. Хусусан, ресурсларни фуқаролар ўртасида мақсадли қайта тақсимлаш, ижтимоий сиёсат тизимида эса ижтимоий таъминот, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам марказий ўрин эгаллайди.

Бугун юртимизда инсон омили олий қадрият даражасига кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Одамлар эртага эмас, бугун бахтли яшашни истайдилар”, деган тамойилини илгари суриши ва буни бугунги сиёсатимизнинг устувор йўналишига айлантиришида ҳам айнан шу мазмун-моҳият мужассамдир. Мазкур принцип ижроси ўлароқ, мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарвар сиёсат одамлар ҳаётига янгича мазмун бахш этмоқда. Хусусан, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларда янгиланган намуналий лойиҳалар асосида арзон уй-жой-

да у одамлар нормал ҳаёт кечиришлариға монелик қилди.

Бугунги кунда, айниқса, қишлоқ аҳоли пунктларида водопровод тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Айни пайтда махсус дастур доирасида 9 минг километр водопровод тармоқлари, 1400 қудуқ ва 3600 сув иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб бориляпти. Бу Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жизжаз, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги 3,2 миллион аҳолини қўшимча тоза ичимлик суви билан таъминлаб, мамлакат бўйича аҳолининг тоза ичимлик сувиға бўлган талабини қондириш кўрсаткичини 67 фоиздан 84 фоизгача кўтариш имконини беради. Бу вазифаларни амалга ошириш учун мамлакатимизда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди ва Молия вазирлиги хузурида “Соф ичимлик суви” жамғармаси фаолияти йўлга қўйилди.

Ёки йиллар давомида одамларни қийнаб келган яна бир масала — йўллар муаммосини олайлик. Бу ҳам давлатимиз назоратиға олинди. Айни вақтда юртимизда минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга йўл ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаларини янада ривожлантириш дастури асосида 1,7 минг километр умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш

Бу борада дунё тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, Давлат дастурига биноан, миллий менталитетимизга мос келувчи илгор хорижий тажрибаларни қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйиш ва аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад даражасини аниқлаш, “истеъмол савати” тушунчасини ҳаётимизга амалий қўллаш механизмларини яратиш лозим бўлади.

Шунингдек, дастурга кўра, аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, стипендия, пенсия ва ижтимоий нафақаларни босқичма-босқич кўтариш, ички бозорда истеъмол товарлари ва хизматлар нархлари кескин ошишиға йўл қўймаслик бўйича амалий чоралар қўрилади.

Меҳнат бозорида талаб мавжуд бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизimini кенгайтириш, айни вақтда ишчиларни касбға тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишға кенгроқ жалб этиш ҳам муҳим вазифалар сирасига қиради.

Шуларға муштарак равишда касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги вазифалари Касаба уюшмалари Федерациясининг дастурий ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Унга кўра, касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар учун ижтимоий қафолатлар ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги фаолияти мана буларға йўналтирилмоқда.

Заиф қатламларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш-

лан бирға Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жизжаз, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари бўйича 2 миллион 160 минг хонадонға таъриф буюриб, оддий одамлар ҳаётини ўрганишди. Уларда аҳолини қийнаётган қарийб 650 мингта муаммо аниқланиб, 556,5 мингтасини ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва йил мобайнида уларнинг ижроси назоратға олинди.

Касаба уюшмалари Федерацияси кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашға қаратилган ҳайрия акцияси доирасида апрель-май ойларида 3280 боланинг суннат тўйлари ва 616 ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказилишиға бош бўлади.

Касаба уюшмалари Федерацияси 2017-2018 йилларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашға қаратилган бир қатор манзилли дастурлар ижросини ҳам мувофиқлаштирмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари Ишчи гуруҳлари томонидан шакллантирилган рўйхатлар асосида хўнарамандчилик, тадбиркорлик йўналишларини очиш, шахсий томорка участкасини, шунингдек, чорва моллари ёки парранда ҳарид қилиш йўналишлари бўйича ўз оиласининг иқтисодини тиклаш истagini билдирган минглаб кам таъминланган оилаларға имтиёзли кредитлар олиб берилди. Юзлаб ноҳор оилалар уй-жойи таъмирланди, минглаб хонадонларға маиший техника олиб берилди, шундай оилаларнинг аъзолари бўлган беморларға моддий кўмак кўрсатилди. Жорий йилда ҳам бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Касаба уюшмалари Федерацияси аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлашдек ўта масъулиятли ва жиддий вазифани ҳам мувофиқлаштирмоқда. Бугунгача чекка туман ва қишлоқларда 2 мингдан ортқ ижтимоий аптекалар ишға туширилиб, олис ҳудудларда яшовчи одамларнинг огирини енгил, ўзогини яқин қилишға бош қўшилди.

Кўриниб турибдики, Федерация фаолияти бугун биргина иш берувчи ва ишчи муносабатлари билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Таъбир жоиз бўлса, инсон манфаати, унинг яшаш, меҳнат қилиш борасидаги ҳуқуқларини таъминлашнинг кўп қиррали жиҳатларида касаба уюшмалари бевосита иштирокчи, ўз сўзи ва ўрниға эга ташкилотға айлиниб улғурди. Шу маънода, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзи тўплаган ва халққа, кенг жамоатчиликка манзур ва маъқул бўлаётган тажрибасини дунё жамоатчилиги эътиборига етказиши, бу борадаги жаҳон ҳамжамияти эътибори ва диққат марказидаги муаммоларни муҳокама қилиш, уларнинг ечими бўйича тажрибаларни ўртоқлашишға тайёр.

Шу маънода, анжуман биз учун алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз. Биз унда иштирокчилар эътиборига қатор таклиф ва мулоҳазалар билан ҳам мурожаат қилмоқчимиз.

Мутахассислар эътиборини қуйидаги долзарб вазифаларға қаратишни истардик:

● меҳнат ва ижтимоий муносабатларни алоҳида тартибға солишға йўналтирилган меҳнат қонунчилигини янада такомиллаштириш;

● меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқларни 40 соатлик иш ҳафтаси, йиллик ҳақ тўланадиган таътил, оналиқни муҳофаза қилиш ва мигрант меҳнаткашларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоялашни қиритиш билан кенгайтириш;

● трансмиллий корпорациялар ҳодимлариға бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш тамойилиға риоя қилиш;

● меҳнатни илмий асосланган меъёrlaштиришни қайта тиклаш;

● ХМТ ваколатини инобатға олиб, меҳнат соҳасини бошқаришда бошқа халқаро институтлар ролини қайта қўриб чиқиш, ХМТ доирасида назорат механизми ва техник ҳамкорлик имкониятларидан янада самарали фойдаланиш;

● барча учун бутун умри мобайнида (“бир умрлик таълим”) касб таълимиға эга бўлишни соддалаштириш;

● меҳнат соҳасини бошқаришда давлат органлари, касаба уюшмалари ва уш томонлама институтлар ҳаракат соҳасини аниқ чегаралаш;

● меҳнатға ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартлари, иш вақти ва дам олиш вақти меъёrlарини қатъий назорат қилиш;

● меҳнат шартномаларини дигитализация қилишни жорий этиш;

● ижтимоий ҳимояни ноанъанавий бандлиқнинг барча шаклиға кенг ёйиш;

● касаба уюшмалари ва иш берувчилар уюшмаларининг уш томонлама тузилмалардаги қонуний вакиллиги муаммосини ҳал этиш мақсадида меҳнат соҳасини бошқариш борасида ижтимоий шерикларнинг роли ва ўрнини қайта қўриб чиқиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларға муносиб турмуш шaroити яратиш бугунги дунёнинг энг инсонпарвар қадриятларидан бириға айланди. Оддий одамлар орзу-истаги, дарду ташвишини ўзида жамлаган бу эзгу қадрият янгиланаётган юртимиз сиёсати билан ҳамонаҳ эканлиги ҳар биримизни қувонтиради, албатта.

Қудратилла РАФИКОВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси расми.

Ўзбекистонда Давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий-маданий соҳаға: таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашға йўналтирилади. Зеро, миллий қадриятларға таяниш, ўзаро ёрдам ва аҳолини қўллаб-қувватлашнинг жамоавий шакллари халқимизнинг бу борадаги ўзига хос қадриятларидан биридир. Хусусан, маҳалла институти мазкур йўналишда алоҳида ўрин тутати.

олдимизға асоси бундан 100 йил аввал яратилган ижтимоий ҳимоянинг классик тизимларини қайта шакллантиришни тақозо этаётир.

Халқаро миқёсда ижтимоий ҳимоя энг кам даражасининг тан олинган 9 тури мавжуд бўлиб, булар тиббий хизмат, ишсизлик бўйича нафақа, бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида етказилган зарарни қоплаш бўйича нафақа, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, боқувчисини йўқотиши муносабати билан бериладиган нафақа, касаллик бўйича нафақа, қарилик пенсияси, оилавий нафақа, ногиронлик бўйича нафақаларни ўз ичига олади. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу хизматларнинг 5 тури тўлиқ, 2 тури эса қисман ижтимоий суғурта тизими билан қамраб олинган ҳодимнинг ҳиссасига тўғри келади. Бироқ афсуски, бугунги кунға келиб, ижтимоий суғурталанган ҳодимлар сони борган сари қамийиб кетаяпти.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтда дунё аҳолисининг 55 фоизи ижтимоий ҳимоядан маҳрум бўлса, атиги 29 фоиз комплекс ижтимоий таъминотдан фойдаланиш имкониятиға эга. Пенсия ёшидаги кексаларнинг 68 фоизи қари-

лар қуриш бўйича дастурнинг қабул қилинган одамлар қалбида яшаш ва ишлашға бўлган қарашларни ўзгартириб юборди. Дастурға кўра, 2017 йилда шаҳар ва қишлоқларда умумий майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортқ бўлган намуналар ва кўп қаватли уйлар бунёд этилди.

2017 — 2020 йилларда шаҳарларда 945 та кўп қаватли тураржой қурилиши бўйича дастур қабул қилинган. Кам таъминланган оилалар учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар марказларида ва йирик шаҳарларда кўп қаватли уйларда 50 мингта яқин арзон квартиралар барпо қилинади. Хусусан, 2017 йилда ҳудди шундай кўп квартирали, умумий майдони 800 минг квадрат метрдан ортқ бўлган уйлар қурилиб, аҳолиға топширилди. Фақатгина Тошкент шаҳрининг ўзида 420 минг квадрат метрли уй-жой фойдаланишға топширилган бошланган ишлар кўламини кўрсатади, албатта. Бироқ аҳоли фаровонлигини таъминлаш фақат уй-жой масаласи билан боғлиқ, десак, нотўғри бўлади. Негаки, узок йиллар давомида айнан ижтимоий соҳада ўнлаб муаммолар йиғилиб келдики, оқибат-



ва реконструкция қилиш, 10,4 минг километр ҳўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳар, туман марказлари, шаҳар типидиға кўргончалар, қишлоқ аҳоли пунктларидаги қўчалар йўл қопламаларини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари рўёбға чиқариляпти.

Шаҳар ва қишлоқларимизда транспорт хизматини янада яхшилаш дастури асосида яқин вақт ичида 74 та автовокзал ва автостанция реконструкция қилинади. Бу эса йўловчилар учун қўшимча қўлайликлар яратиб, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлашда аини муддаодир. Қолаверса, 3 мингта янги замонавий автобуслар, 5,7 минг микроавтобус сотиб олинди. Шунға яраша 300 дан ортқ янги автобус йўналишлари очиллади.

Ҳаво ва темир йўллари қатновлари инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Тошкент халқаро аэропортининг янги терминали яратилиши билан бир қаторда, темир йўл линиялари қурилиши ва электрлаштирилиши амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари “бизнинг энг олий мақсадимиз одамларимизни рози қилиш” дея тақорр ва тақорр таъкидлаб келмоқда. Халқона ва самимий айтилган бу сўз аслида мамлакат ижтимоий сиёсатини белгилаб беради. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўтган бир йилдан зиёд вақт ичида юртимизда қандай оламшумул воқеалар юз берди. Тарихий ўзгаришлар шарофати билан давлат халққа яқинлашди, у энди халқ учун ишлай бошлади. Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари фаолияти бугун нажми халқимиз, балки халқаро ҳамжамият эътирофига ҳам сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий секторнинг шу каби бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, халқимиз дилидаги орзу-истаклар рўёбига хизмат қилаётир. Юртимизда Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши, айтиш мумкинки, миллий давлатчилигимиз тарихида туб бурилиш ясади. Зотан, бу йўл билан халқимиз ўз келажаги пойдеворини янада мустаҳкам бўлишини таъминлади. Олий ва ўрта таълим тизими ҳам ислоҳ этилмоқдаки, бу ривожланган дунё давлатлари билан бўйлашши, дунё соҳасида муносиб ўринға эга бўлишимизға замин яратади.

Албатта, бундай янгиланишлар бугун барча соҳада ҳоз кўрсатмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳам ўз фаолиятини Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили Давлат дастури доирасида ташкил этиб, аҳоли фаровонлиги йўлида изчил ишларни олиб бораёпти.

Moody's
INVESTORS SERVICE

«MOODY'S INVESTORS SERVICE»
халқаро рейтинг агентлиги

«Ипотека-банк»
акциядорлик тижорат
ипотека банкининг

миллий валютадаги узоқ
муддатли депозит рейтингини «B2»

хорижий валютадаги узоқ
муддатли депозит рейтингини
«B2» даражасида тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи
«БАРҚАРОР»

2018 йил 23 март

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон давлат консерваторияси

куйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудири лавозимига: Мусликий педагогика, Оркестр дирижёрлиги.

Профессор лавозимига: Халқ чолғулариди ижрочилиги — 1, Хор дирижёрлиги — 2, Мусликий педагогика — 2, Оркестр чолғулариди — 1.

Доцент лавозимига: Анъанавий чолғу ижрочилиги — 1, Халқ чолғулариди ижрочилиги — 2, Академик хонандалик ва опера тайёрлови — 1, Бастакорлик ва чолғулаштириш — 1, Муслика назарияси — 1, Камер муслика ва концертмейстерлик маҳорати — 1, Оркестр дирижёрлиги — 1, Умумий фортепьяно — 1.

Катта ўқитувчи лавозимига: Анъанавий чолғу ижрочилиги — 1, Мусликий педагогика — 2, Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси — 1, Муслика назарияси — 1, Халқ чолғулариди ижрочилиги — 2, Умумий фортепьяно — 1, Ўзбек ва хорижий тиллар — 1.

Ўқитувчи лавозимига: Академик хонандалик ва опера тайёрлови — 2, Камер муслика ва концертмейстерлик маҳорати — 1, Эстрада чолғулариди — 1, Эстрада хонандалиги — 1, Умумий фортепьяно — 3, Ўзбек ва хорижий тиллар — 1.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат мобайнида

Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси



Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
таклиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95,
(+998 93) 555-12-88,
(0-371) 291-68-94.

www.maz.by

E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсулот сертификатланган.



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали
расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
Ж. Тоғева томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.10 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки

Фаол тадбиркорлик, иннова-
цион ғоялар ва технология-
ларни қўллаб-қувватлаш йили
муносабати билан ҳисобва-
рақларни масофадан туриб
бошқариш тизимини такомил-
лаштириш мақсадида



миллий валютадаги
муддатли янги омонат турини
таклиф этади:

«MOBILE-UZ»

Мазкур омонат «ASAKA MOBILE» мобиль иловаси орқали расмийлаштирилади.

Сиз пластик картадаги пул маблағларингизни куннинг исталган вақтида банк биносига ташриф
буюрмасдан омонатга ўтказишингиз ва ҳисобварақдаги маблағлар ҳаракатини масофадан туриб
бошқаришингиз мумкин.

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 3 ой.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилади.

Омонатнинг фоиз миқдори — 14 фоиз (йиллик).

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталарда
30 дан ортиқ турда, қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банки бош офиси телефонлари:
(0-371) 120-39-81, 120-39-60.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13	Наманган вилояти филиали	(0-369)	227-15-68
Автотранспорт филиали	(0-371)	120-39-95	Навобий вилояти филиали	(0-436)	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36	Зарафшон филиали	(0-436)	572-40-14
Юнусобод филиали	(0-371)	221-80-67	Бухоро вилояти филиали	(0-365)	770-05-19
Сергели филиали	(0-371)	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
Анджон вилояти филиали	(0-374)	223-60-74	«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-71-76
Асака филиали	(0-374)	233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
«Фарҳод» филиали	(0-374)	226-96-63	Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(0-373)	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-59
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23	Хоразм вилояти филиали	(0-362)	228-14-81
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Қўқон филиали	(0-373)	542-61-01	Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши
ва кўпайишини кафолатлайди!

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги махсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган
полимерик махсулотдан фойдаланилади.


Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН
ПРОФНАСТИЛ

0,4 мм. — 34 400 сўм / п.м.
0,5 мм. — 40 100 сўм / п.м.
0,7 мм. — 55 800 сўм / п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ
ПРОФНАСТИЛ

RAL 3005 0,45 мм. — 48 000 сўм / п.м.
RAL 3005 0,50 мм. — 51 800 сўм / п.м.
RAL 6005 0,45 мм. — 48 300 сўм / п.м.



Қўшимча маълумот учун куйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: (+ 99895) 197-00-93.

“Bukhara Cotton Textile Cluster” жамоаси корхона
ходими, профессор
Абдуқолир ЭРҒАШЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига
чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Музаҳҳиҳ — Ш. Машроббоев.